

20 20 yil " 29 " Апрель № 638

**“УСН ОГ’А” МЧЖга туман давлат захира ерларида жойлашган “Раркон” охак тош кони қисмидан охак тоши каръери (қазилмагохи)ни геологик жихатдан ўрганиш учун ер майдони танлаш ва ажратиш хақида**

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6,20, 23 ва 78-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,10,25-моддасига асосланиб

### КАРОР КИЛАМАН:

1.Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш буйича комиссияси томонидан 30 сентябр 2019 йилда геологик жихатдан ўрганиш тўғрисида берилган серия FR тартиб рақами 0099 “Норуда фойдали қазилмаларини ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун” берилган F 5 турли лицензияларми асос учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг “УСН ОГ’А” МЧЖга Шурсув кургони атрофидаги туман давлат захира ерларида жойлашган “Раркон” охак тош кони қисмини охак тоши каръери (қазилмагохи)ни геологик жихатдан ўрганиш учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги 2019 йил 29 декабрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3.“УСН ОГ’А” МЧЖга “Раркон” охак тош кони қисмидаги қишлоқ ҳужалигида фойдаланмайдиган туман давлат захира ерлари № 113 қ, 115қ контуридаги жами 4,00 га (тўрт) гектар ер майдонидан охак тоши каръери (қазилмагохи)ни геологик жихатдан ўрганиш тўғрисидаги 30 сентябр 2019 йилда берилган серия FR тартиб рақами 0099 “Норуда фойдали қазилмаларини ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун” берилган F 5 турли лицензияларининг 4 иловасида белгиланган чегараси буйича 2021 йил 30 сентябргача фойдаланиш ҳуқуқи билан танлаб, ажратиб берилсин.

4.Ушбу қарорни ижросини белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими :

Ў.Джураев